

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 26 октябрь • № 42 (1219)

## Анжуман

### ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРГА УЙҒУН ФАОЛИЯТ

эндокринологик касалликларнинг олдини олишда ижобий самара бермоқда

Тараққиёт қоқоқликни хуш кўрмайди. Янгиликлар сари изланиш, замонавий амалиётларни ўзлаштириш, инновацияга интилиш ва бу борада ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш соҳа такомиллашувини таъминлайди. Бошқа тармоқлар қатори тиббиётда ҳам айти шу мақсадлар устувор. Таъкидлаш кераки, жорий йилнинг 19 октябрь куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда академик Ё. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро иштироокли анжуманда ҳам мазкур масалалар атрофича муҳокама қилинди.



Соҳадаги долзарб мавзу – гипофиз паталогияси касалликларини эрта аниқлаш ва самарали даволашнинг замонавий усулларига бағишланган илмий-амалий анжуманнинг кириш қисмида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси бошлиғи Уктам Исмаилов тиббиёт амалиётига кириб келатган янгиликлар, касалликларнинг олдини олиш борасидаги замонавий усуллар, инсон

саломатлигини асрашда юқори технологияли жаррохлик амалиётларини қўллаш, шунингдек, бу жабҳада халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ўрни хусусида сўз юритди. Бундан ташқари, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар, бунинг натижасида тизимда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, жумладан, ихтисос-

лашган тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш борасида давлатимиз томонидан қабул қилинган меъерий ҳужжатлар тўғрисида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган фаолиятлар таъсирида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий

тиббиёт маркази ҳамда унинг жойлардаги филиаллари юқори технологияли, замонавий аппаратлар, сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётганлигини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, кадрлар малакасини ошириш, хориқнинг етакчи клиникалари ва

(Давоми 2-бетда).

Эшли ГРОССМАН,  
Оксфорд институти профессори:

– 20 йиллик ҳамкорлик мобайнида мамлакатингиз шифокорлари билан тажрибаларимизни ўзаро уйғунлаштиришга муваффақ бўлдик. Бунинг натижасида ўтган йиллар давомида эндокринологик касалликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш, замонавий даволаш усуллари, юқори технологик жаррохлик амалиётларини фаолиятга жорий қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Бу сафар бир гуруҳ нейрожаррохлар жамоаси билан ташриф буюрдим. Ташриф давомида гуруҳимиз аъзолари ҳамда маҳаллий шифокорлар билан ҳамкорликда бир канча нейроэндокринологик операцияларни бажардик. Бундан ташқари, беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга зарурий маслаҳатлар бериш ҳамда мутахассислар иштирокида касалликларга оид маҳорат дарсларини ташкил этиш режалаштирилган.

## 19 октябрь — Халқаро биоэтика куни

### «БЕМОР ШИФОКОРНИ ТАНЛАШИ МУМКИН, ЛЕКИН ШИФОКОР БЕМОРНИ ТАНЛАЙ ОЛМАЙДИ»



Биоэтика – биомедицина фанларини тараққиёт ва соғлиқни сақлаш амалиёти соҳасига янги технологияларни жорий этиш натижасида юзага келган этик, фалсафий муаммоларни татқиқ этувчи фан ҳисобланади. Шу билан бирга, у беморлар этикаси, ҳар бир инсоннинг манфаатларини эътиборга олувчи ва ҳимоя қилувчи қодалардир. 2005 йилда ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 33-сессиясида биоэтика ва инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинди. 2016 йилдан буён эса дунё миқёсида 19 октябрь – Халқаро биоэтика куни сифатида нишонланади.

Ушбу сана муносабати билан жорий йилнинг 19 октябрь куни Тошкент давлат стоматология институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси қошидаги Биоэтика қўмитаси ҳамкорлигида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессори Дамин Асадов, Тожиқистон Республикаси Тиббиёт Фанлари Академияси клиник тиббиёт бўлими раҳбари профессор Меҳ-

ринисо Рустомова, Тожиқистон Республикаси Фанлар Академияси Биоэтика кенгаши раиси ўринбосари профессор Фирюза Насинова ҳамда Тошкент давлат стоматология институти ўқитувчилари ўз маърузалари билан қатнашишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоралари» қарори тўғрисидаги қарори асосида олиб борилаётган

(Давоми 3-бетда).

## Анжуман

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРГА УЙҒУН ФАОЛИЯТ

## эндокринологик касалликларнинг олдини олишда ижобий самара бермоқда

тиббийот олий ўқув юртлири билан тажриба алмашишни йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратилаётганлиги бўйича ҳам маълумот берди. Шундан сўнг, мамлакатимиз ҳамда хорижий мутахассисларнинг мавзуга доир, яъни гипофиз, буйрак ва жинсий аъзолар

**Майкл ПОУЭЛЛ,**  
Лондон қиролича  
клиникаси профессори:

— Мамлакатингизга биринчи бор бундан 15 йил олдин келганман. Буни қарангки, ҳозирга қадар 19 марта ташриф буюрибман. Албатта, тиббийотдаги тажрибаларни бугунги кун билан

ка ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббийот маркази ва Россия давлатининг бир қанча нуфузли тиббийот институтлари ҳамда етакчи клиникалари ўртасида кўпгина ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Улар ихтисосни таъминлаш борасидаги фаолиятлар эса кадрлар малакасини ошириш, шу билан бирга, аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик йўналишдаги тиббий хизматларнинг сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

**Павел КАЛИНИН,**  
Академик Н. Бурденко  
номидаги Россия  
нейрохирургия институти  
профессори:

— Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг мустаҳкамланиши бошқа соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ўз аксини топмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Россия форуми эса бу борадаги фикрларимизнинг тасдиғидир. Ўзбекистон, Европа ва Россия тажрибасини ўзига мужассамлаштириётган мазкур анжуманни ҳам эътироф этиш мумкин. Унинг доирасида муҳокама қилинаётган масалалар эса соҳанинг долзарб муаммоларига қаратилган. Уйлайманки, йиғилишда қўриб чиқилган масалалар хулосаси мамлакатингиз эндокринолог мутахассислари билан келгусида амалга оширадиган вазифаларимизни белгилаб олишга имконият яратди. Тиббийотда тарқийтга тажриба алмашиш бундан орқали эришилади. Шу маънода ушбу анжуман шахсан мен учун муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда эндокринологик йўналишдаги касалликлар бугунги кунда дунёнинг айнан бирор бир мамлакатига эмас, жаҳон тиббийот мутахассисларини ташвишга солаётган муаммолардан биридир. Хусусан, гипофиз патологияси хасталиклари ҳам шулар жумласидандир. Уни эрта ташхислаш, олдини олиш, давр имкониятларидан унумли фойдаланиб, юқори жаррохлик амалиётлари ёрдамида даволаш ишларини кучайтириш асосий мақсадимиз. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, анжуманнинг ҳам илмий, ҳам амалий ёндашувлар асосида ўтказилаётгани бежиз эмас. Мутахассис сифатида соҳа истискобига хизмат қилувчи ҳар қандай анжуманнинг ана шундай амалий мисоллар асосида ўтқа-

зилишининг тарафдориман. Худудлардаги тиббийот кўрик ҳамда жаррохлик амалиётларида Ўзбекистон аҳолисининг саломатлигини яхшилашга бир озгина хиссам қўшилаётган бўлса, албатта, бундан беҳад мамнунман.

Соҳа мутахассисларининг таъқидлашича, тадбирда муҳокама

ни ошириш, чет эллик мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ва тиббийот кўриклар ўтказиш йўлга қўйилди. Тўғри, айни пайтда жаҳон тиббийотда қўлланилаётган замонавий усуллар мамлакатимиздаги тиббийот муассасалари, жумладан, марказимизда ҳам



патологияси касалликларини даволашнинг замонавий усуллари оид долзарб мавзулардаги маърузаларига навбат берилди.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, эндокринология ва нейроэндокринологик жаррохлик амалиётларини тақозо қилувчи одинома гипофиз касалликлари билан хасталанган беморлар кўрсатишга сўнгги йилларда дунё миқёсида ортиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу ҳолат мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бу эса соҳа ходимларидан масалалар жиддий ёндашиш, касалликка қарши кескин курашиш чораларини кўришни талаб этади. Шу боис, марказ фаолиятда мазкур йўналишда ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Илмий қарашлар баробарида амалий жараёнларнинг уйғунлашуви ҳамкорликдаги фаолиятларнинг натижадорлигини ошириши шубҳасиз. Айниқса, ушбу имкониятлар босқичма-босқич республикамизнинг барча худудларига етиб бораётгани эътиборга молик, албатта.

Халқро мутахассисларнинг эътирофи бу борадаги фикрларимизни тасдиқлайди.

(Давоми. Боши  
1-бетда).

қиёслаб бўлмайди. Дастлаб, одинома гипофиз касалликлари бўйича жаррохлик амалиётларини ўтказиш учун зарурий шароит ва имкониятлар етарли эмас эди. Шу боис, биринчи навбатда бу ердаги мутахассисларни Лондон эндокринология клиникаларига ўқиш ва ишлашга тақлиф қилди. Табиийки, бу давр мобайнида кўзлаган мақсадларимизга эришиш, қолаверса, мамлакатингиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Хусусан, эндокринология йўналишида ижобий натижалар кўлга киритилди. Марказ фаолияти ва тиббийот хизматларининг сифати юқори даражага олиб чиқилди. Ушбу семинар эса ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, унинг доирасини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, анжуман иштирокчиларга нафақат Европа давлатлари балки россиялик шифокорлар тажрибалари билан танишиш имкониятини ҳам беради. Анжуман соҳа мутахассислари учун ниҳоятда муҳим, албатта. Чунки унда нейрохирургия ва нейроэндокринология хасталиклари биргаликда муҳокама этилмоқда. Тадбирда одинома гипофиз касалликларини жаррохлик амалиёти билан даволашнинг замонавий усуллари оид маърузам билан иштирок этаётган.

Айни пайтга қадар Республи-



қилинган масалалар хулосаси келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради.

**Рустамбек ОМОНОВ,**  
Академик Ё. Тўракулов  
номидаги Республика  
ихтисослаштирилган  
эндокринология илмий-  
амалий тиббийот маркази  
шифокори, тиббийот фанлари  
номзоди:

— Мамлакатимизда тиббийот тизимига қаратилаётган эътибор, шунингдек, ихтисослашган тиббийот хизматларини аҳолига яқинлаштириш мақсадида зарурий чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Уларда фаолиятларни янада такомиллаштириш, тиббийот хизматлар сифатини ошириш бўйича халқро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш назарда тутилган эди. Унга мувофиқ ўтган вақт давомида марказимизда кўпгина хорижий клиникалар билан меморандумлар имзоланиб, кадрлар салоҳияти-

табтиқ этилган. Бунинг учун барча зарурий шарт-шароитлар мавжуд. Бирок, касалликлар беморда ҳар хил кўринишда кечганидек, уни даволаш жараёнларига ҳам турлича ёндашиш мумкин. Шу боис, бундай ҳолатларда халқро тажриба муҳим аҳамиятга эга. Ҳамкорликдаги фаолиятларимизнинг бу қисмида европалик мутахассислар ва россиялик ҳамкабларимиз билан тажриба алмашишимиз. Ўз ўрнида бунинг ҳам ўзига хос томонлари бор. Юқори технологияли аппаратлар ёрдамида ҳозирга қадар эндокринологик хасталикларни эрта аниқлаш, мониторинг қилиш, касалликнинг ривожланиши ва шаклланиш босқичларини кузатиш анча такомиллашди, беморларнинг умр кўриши сифатини яхшилаш имконияти ортди. Энди даволаш ишларини кучайтириш лозим ҳолос. Мазкур анжуман айни шу мақсадлардан келиб чиқиб ташкил этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, марказ шифокорлари томонидан Буюк Британия ва россиялик етакчи мутахассислар иштирокида Қарши шаҳри ҳамда Бухоро вилоятидаги тиббийот муассасаларида ҳам юқори технологияли жаррохлик амалиётлари ўтказилди. Тиббийот кўрикка жалб этилган беморларга эса эндокринология ва нейроэндокринология йўналишидаги хасталиклар бўйича малакали тиббийот маслаҳатлар берилди.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.  
Муаллиф олган суратлар.

## Қарор ва ижро

ТОШКЕНТДА ЗАМОНАВИЙ ГЕМОДИАЛИЗ ВА ЛАБОРАТОРИЯ  
ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Хусусий тиббийот хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш ва қамровини кенгайтириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида замонавий гемодиализ ва лаборатория диагностика маркази фаолиятини ташкил қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, деб хабар беради "Kun.uz".

Хужжатга кўра, замонавий гемодиализ ва лаборатория диагностика марказини ташкил этишга доир инвестицион лойиҳа Alles Sag'lik Group хорижий корхонаси томонидан амалга оширилади.

Инвестор 12 ой давомида ўз маблағлари эвазига 5 миллион доллар сармоя жалб қилиш, те-

гишли объект реконструкцияси ва капитал таъмирлови, уни жаҳон стандартларига жавоб берувчи замонавий тиббийот ускуналари билан жиҳозлаш масъулиятини ўз зиммасига олади.


Стационар 50 ўринга мўлжалланган бўлиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, замонавий гемо-

диализ ва лаборатория диагностика маркази фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 150 та янги иш ўрни яратилади.

Қарорга мувофиқ, марказ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланувчи меъёрлар асосида беминнат тиббийот ёрдам кўрсатади.

Мазкур қарор ижроси назорати Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов, Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов ва Тошкент шаҳри ҳокими вазирадини бажарувчи Жаҳонгир Ортиқхўжаев зиммасига юклатилди.



19 октябрь — Халқаро биоэтика куни

# «БЕМОР ШИФОКОРНИ ТАНЛАШИ МУМКИН, ЛЕКИН ШИФОКОР БЕМОРНИ ТАНЛАЙ ОЛМАЙДИ»

фаолиятлар, хусусан, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар

**Наргиза УМРЗОҚОВА,**  
Тошкент давлат  
стоматология институти  
ижтимоий фанлар  
кафедраси катта  
ўқитувчиси:

сақлаш соҳаси ходимлари, бўлажак мутахассислари тайёрлашда ниҳоятда муҳим омилга айланди. **Шу ўринда савол туғилади, хўш, этика ва биоэтика бир-бири билан қандай фарқланади?** Билагимизки, **этика** икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, ахлоқшунослик, тинчлик, ёмонлик, бурч ва виждон, масъулият, ор-номус каби тушунчаларни ўзида мужассам этган бўлиб, у анъанавийлик характерига эга. **Биоэтика** эса ноъбанавий, ностандарт, яъни XX-XXI асрда юзага келган масалаларни ҳал қилишга хизмат қилади. Бунда тиббиёт ходимлари ва бемор ҳуқуқлари назарда тутилади, албатта. Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида халқаро тажрибаларга суяниб, олий таълим тизимини ўқув дастурлари қайтадан қўриб чиқилиб, соҳа ходимларини айнан ўзининг мутахассислиги бўйича тайёрланмоқда. Институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ўқитиладиган дарсларни тақридан қўриб чиқиб ва халқаро тажрибалар асосида хориз тиббиёт олий ўқув юртиларида ўқитиладиган фанларни алоҳида ўрганиб, биз ҳам 2017-2018 ўқув йилидан дарс жараёнида биоэтика фанини киритдик. Бу бакалавриятнинг 2-курс, магистратуранинг 1-курс талабаларига ўқитилмоқда. Натижа эса ижобий бўлишига ишончимиз комил. Зеро, ҳар қандай мутахассис ўз ишини чуқур билган ҳолда юксак ахлоқ билан бевасоа, бу жамиятнинг равнақи ва инсонларнинг фаровон ҳаётига хизмат қилиши мумкин.

етук олимлари иштирокида маҳорат дарслари, семинарлар мунтазам ўтказилади. Бугунги анжуман эса уларнинг мантиқий давоми, десам адашмаган бўлар эдим. Биз ҳозирда амалиёт жараёнларида


талаб этилади. 19 октябрь — Халқаро биоэтика куни муносабати билан ўтказилган мазкур анжуманда чуқур билимларни юксак ахлоқ ва маданият билан уйғунликда ўзида мужассам



тайёрлашнинг мазмун-моҳиятини қайта қўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш борасидаги сазой ҳаракатлар тўғрисида сўз юритишди. Шу билан бирга, мазкур қарорга таяниб, жохон таълим стандартларига асосланган ҳолда, ўқув дастури ва ўқув-услубий маълумотлари таълим жараёнига жорий қилиниб, Тошкент давлат стоматология институти ўқув дастурларига "Биоэтика" курси фан сифатида киритилганини ҳам билдиришди. Бунинг баробарида, талабаларда тиббиёт ва фалсафий дунёқарашнинг янгиланиш заруратини англаш, касбий фаолиятда учрайдиган ахлоқий муаммоларни самарали таҳлил қилиш ва бу борада қобилиятини шакллантириш, бурч, масъулият, қадр-қиммат, ҳаққат, адолат каби тушунчалар билан боғлиқ умумий маънавий қадриятлар ҳақида фикр юритиш, касбининг тиббий-илмий ва гуманитар асосларини чуқур эгаллаш қабилари шакллантириш зарурлиги юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми. Боши  
1-бетда).

— Халқаро биоэтика кунига бағишлаб ўтказилган мазкур анжуманда талабаларимизга инсон, бемор ҳуқуқларини таъминлаш, шифокор касб этикаси, деонтологияси каби тушунчалар борасида батафсил маърузалар қилинди. Маълумки, бугунги кунда дунё бўйича тиббиётнинг жадал ривожланиши кузатишмоқда. Репродуктив технологияларнинг яратилиши, клонлаштириш, трансплантологиянинг ривожланиши, инсон геномикаси, рухий хасталарни даволаш соҳасида бир қанча муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Лекин булар баробарида кириб келаётган янги ахлоқий муаммоларни бартараф этиш зарурати ҳам туғилмоқда. XX асрнинг II ярмида илмий муомалага киритилган биоэтика атамаси келажакка кўприк, борлиқни ҳурмат қилиш, ҳаётга бўлган янгича дунёқарашни шакллантиришга хизмат қиладиган янги фан ҳисобланади. Чунки айнан шу орқали инсонийликни сақлаб қолиш, инсонпарварлик асосида тиббиёт ходимларининг иш юритиш кераклиги зарурати мақсад қилинган. Фалсафа ва тиббиёт фанлари ўртасидаги кўприк вазифасини бажарувчи биоэтика соғлиқни



беморлар билан мулоқотга киришиб, касалликларни даволашдаги сир-асрорларни ўрганмоқда. Бунда биоэтика тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлишимиз

самлаштирган мутахассисларга жамият равнақига ўз хиссасини қўшиши мумкинлиги тўғрисида батафсил фикр алмашдик.

**Дарҳақиқат, шифокордан ҳар доим касб деонтологияси, биоэтика меъёрлари, бемор ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаб этилади. Зеро, машҳур французлик олим Рене Декарт айтганидек: "Бемор шифокорни танлаши мумкин, лекин шифокор беморни танлай олмайди". Шу боис, бу каби қондаларнинг таълим даргоҳларида ўқитилиб борилиши, ана шундай илмий-амалий ўқув анжуманлар ўтказилиши талабалар, хусусан, бўлажак стоматологларнинг келгусидаги амалиётларида дастуриламал бўлади, десак муболага бўлмайди.**

Жонибек МАЪРУПОВ.  
Муаллиф олган суратлар.

## Таҳлил ва хулоса

# НОХУШ ҲОЛАТЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

**Барча соҳада бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Ушбу сазой-ҳаракатлар самарадорлиги эса, шубҳасиз, фидойий мутахассисларнинг адолатли ва шаффоф фаолияти билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли ҳам тизимда ноқонуний хатта-ҳаракатларга қарши кескин курашиш ва уларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Мисол учун, республикада аёлларга босқичма-босқич перинатал ёрдам кўрсатишга ихтисослашган 210 та туғруқ муассасаси мавжуд бўлиб, сўнгги йилларда ушбу шифохона жамоаларида маънавий муҳитни юксалтириш, коррупцияга нисбатан тоқатсизлик кайфиятини шакллантириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, мазкур муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дори-дармон билан етарлича таъминланганлиги ҳамда ходимлар учун муносиб меҳнат шароити яратилганлиги ҳам жиддий аҳамият берилма-

япти. Дарҳақиқат, ушбу йўналишларда муаммолар қанчалик кам бўлса, коррупцияга мойиллик ҳолатлари ҳам ўз-ўзидан бартараф этилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, туғруқ муассасаларида кўрсатилаётган хизмат сифати ва шифокорларнинг турли ноқонуний хатта-ҳаракатлари юзасидан аҳоли ўртасида сўровномалар ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди, ижроси таъминланмоқда. Шунингдек, ўтган йили она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича нуфузли муассасалар-

нинг 33 нафар етакчи олимлари жойларда тиббий хизмат сифати ҳамда касб маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш мақсадида худудларга раҳбарлик лавозимига тайинланди.

— Республикадаги барча туғруқ муассасаларида 2635 нафар акушер-гинеколог фаолият юритади. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида 507 131 та туғруқ қайд этилгани ҳам улар меҳнати ниҳоятда масъулият эканидан далолат, — дейди **Соғлиқни сақлаш вазир Алишер Шадманов**. — Ойлардагу қувонч ва бахт улашувчи ушбу шифо масканларида коррупция кўринишлари асло йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир ота-она фарзандли бўлар экан, ушбу муассасадан рози бўлиб чиқиб кетиши керак. Афсуски, айрим ҳолатларда шифокорларнинг ноқонуний хатта-ҳаракатларига гувоҳ бўламиз.

Бундай нохуш ҳолатларга қарши янада жиддий кураш олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда вазирлик томонидан ҳомиладорларга перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида олиб борилган ишлар ва аниқланган камчиликлар юзасидан республикадаги туғруқ муассасалари раҳбарларидан 31 нафари лавозимидан озод этилган ва интизомий чоралар қўлланилган.

Соҳа муассасалари ҳолатини тизимли ўрганиш ва муаммоларни бартараф этишни йўлга қўйиш, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларида ижобий маънавий муҳитни шакллантириш, тиббий ва хўжалик хизмати ходимларини ўрнатилган меҳнат тартибига амал қилишига эришиш, стационар хизмат сифатини ошириш, тиббиёт масканларида таъмағирлик ва порахўрлик ҳолатларининг олдини олиш, туғ-

руқ комплексларидаги беморлар орасида сўровнома ўтказишни тиклаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазир А. Шадмановнинг буйруғи асосида мониторинг ўтказиш учун ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ушбу ишчи гуруҳлар жорий йил 15 октябрдан Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган туғруқ муассасалари, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий ва Республика перинатал марказлари, Тошкент тиббиёт академияси 2-клиник туғруқ ҳамда 3-клиникаси гинекология бўлими фаолиятини ўрганишмоқда.

27 октябрга қадар давом этадиган мониторинг натижалари чуқур ўрганилиб, таҳлил этилади ҳамда мавжуд камчиликлар бўйича қатъий чора-тадбирлар белгилаб олинади.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**  
Ахборот хизмати.

## Ислохот ва жараён

## ТИББИЁТДАГИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРДА

## Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг ўрни

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари давлат сийосатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди ҳамда халқимиз иқтимоий ҳаёти ва фаровонлигини юксалтириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда дунёда соғлиқ шунчаки бойлик эмас, улкан салоҳият, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бош ҳаракатлантирувчи кучи, давлат қудратининг кўрсаткичидир. Аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг саломатлиги – замонавий давлатнинг табиий ресурсларидан ҳам бебаҳо ва қimmatли бўлган бойлиги ҳисобланади. Зеро, фақат соғлом аҳолига эга мамлакатгина кучли ва қудратли бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам ўтган икки йил давомида мамлакатимизда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ягона тизимини яратиш, тиббиётнинг хусусий секторини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва соғлом авлоднинг шакллантириш учун қўлай шарт-шароитларни таъминлаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида соғлиқни сақлаш тизимини ислохот қилиш, унинг бошланғич бўлими ҳисобланган шовишнинг тез тиббий ёрдам ва касалликлар профилактикасини замонавий даражага кўтариш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жамиятда тиббий маданиятни ошириш масалаларига ҳамда тизимда хусусий секторнинг барқарор ривожланишига, хусусий тиббиётга хориждан инвестициялар ва юқори малакали мутахассисларни жалб этишни кучайтиришга, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантиришга, тиббий туризм ҳамда тиббий хизматлар экспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, эришилган ютуқлар билан бир қаторда ушбу соҳада соғлиқни сақлашни самарали ислохот қилишни янада жадаллаштириш ва тақомиллаштиришга тўқинлик қилаётган муаммоларнинг ечимини топиш даври талабидир. Жумладан, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича узок муددатли стратегия ишлаб чиқиш лозим бўлиб, бу ўз навбатида тиб-

биёт соҳасидаги ислохотларни тўлиқ шаклда ва тизимли тарзда амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга, соғлиқни сақлашни бошқаришнинг хорижий мамлакатларда қўлланаётган муваффақиятли тажрибаси ва аниқ инновацион моделларини ҳисобга олган ҳолда тиббиёт соҳасига инвестицияларни жалб этиш ва халқро ҳамкорлики янада ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг касбий малакасини ошириш ва лозим даражада сақлаш, уларнинг кўникмаларини замонавий талабларга мувофиқлиги устидан таъсирчан мониторинг тизими жорий этилиши мақсадга мувофиқдир. Инновациялардан фойдаланган ҳолда аҳолига тиббий ёрдамни ташкил этишнинг замонавий услуб ҳамда ёндашувлари амалиётга жорий этиш лозим. Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини мунтазам муносиб баҳолаб бориш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадида тиббиёт статистикасининг ягона ишончли ва мустаҳкам базаси шакллантирилиши айти мудо-дир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 2 августидаги "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида тиббиёт соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ислохотларнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ташкил этилди. Мазкур миллий палатанинг бош мақсади, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, республика соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳада чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва инновацион технологияларни жорий этиш қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасига республика соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини, илғор халқаро стандартлар ва жаҳондаги энг яхши амалиётни ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Шу билан бирга, зарур статистик ахборот билан таъминлаш мақсадида тиббиёт статистикасини тўлаш ва таҳлил қилиш тизимини тазомиллаштириш шунингдек, рақамлаштириш, ҳамда статистик кўрсаткичларни манипуляция қилиш имкониятини истисно этадиган халқаро стандартлар ва методикаларни жорий этиш лозим. Республика шифокорлари ва провизорларини рўйхатга олиш тизимини жорий этиш ҳамда умумий фойдаланиш учун очiq бўлган ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган соғлиқни сақлаш инфратузилмасини яратиш керак. Миллий палата тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун молиявий маблағлар жалб этишга, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида янги ташкилотлар ташкил қилишга кўмаклашди. Бундан ташқари, тиббиёт ходимларининг обрўсини, ушбу касб нуфузи ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончли ошириш, тиббиёт ходимларига одоб-ахлоқ қоидаларини сингдириш, коррупция кўринишларига барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш ҳамда касбий фаолияти устидан жамoатчилик назоратини таъминлаш чораларини кўриш ҳам Миллий палатанинг вазифалари қаторига киради. Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари касбий малака даражаси, кўникмалари жаҳоннинг энг яхши амалиётига мувофиқлиги устидан, шу жумладан, улар фаолиятини яқка тартибда лицензияшни жорий этиш орқали таъсирчан мониторинг тизимини йўлга қўйиш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тақомиллаштирилади. Тиббиёт соҳасига замонавий стандартларни жорий этиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори малакали хорижий эксперт ва мутахассисларни мамлакатга фаол жалб қилиш, юртимиз мутахассислари ва экс-

пертларининг чет элда малака оширишини ташкил этиш Миллий палата фаолиятининг йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, жаҳоннинг энг яхши амалиётини чуқур ўрганиш асосида шифокор (тиббий) хатолари, касалликларни нотўғри диагностика қилиш ва даволаш ҳолатларини камайитиришнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, мамлакат соғлиқни сақлашни бошқариш тизимига, шу жумладан, тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш масалаларида хорижий энг яхши амалиётини мослаштирган тарзда татбиқ қилиш ҳамда фуқароларни тиббий суғурталашни йўлга қўйишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси давлат бошқаруви органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, ушбу амалиётни аҳолига янада яқинлаштириш, унинг тиббий маданиятини ошириш, касалликларнинг барвақт олдини олиш ва ногиронлик даражасини пайсатириш бўйича ишлар олиб боради. Шу билан бирга, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш ва уни мониторинг қилиш мақсадида замонавий клиник қўлланмалар ва протоколлар, диагностика ва даволаш сифати оид стандартлар ишлаб чиқиш ҳамда моддий-техник жиҳозлаш стандартларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, уларнинг ўз вақтида жорий этилишини мониторинг қилиш каби вазифалар ҳам юклатилган.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислохот этишда самарали жаҳон тажрибаларидан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам хусусий, энг аввало, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, бундан ташқари, соғ-

лиқни сақлашнинг хусусий тизимини жадал ривожлантириш мақсадида давлат-хусусий шерикликнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига жорий этиш, хорижий тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам миллий палатанинг вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимига грант, кредит, донорлик ва бошқа маблағларни жалб этиш мақсадида учрашув, музокаралар ташкил қилади. Жалб қилинган маблағларнинг мақсади ва самарали ишлатилишини мониторинг ҳамда назорат қилиш, салоҳиятли инвесторлар, айниқса, хорижий инвесторларга республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун инвестиция қилишни масалалари бўйича ахборот, маслаҳат, ҳуқуқий ва бошқа шаклларда, шу жумладан, бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва таклиф этилаётган лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш манбаларини жалб қилиш орқали ҳар томонлама кўмак кўрсатиш каби вазифалар миллий палатанинг асосий вазифа йўналишларидан бири бўлиб, бунда халқро ҳамкорлик алоқаларини самарали йўлга қўйиш талаб этилади.

Бундан ташқари, тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини замонавий клиник қўлланмалар билан жиҳозлаш ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун молиявий маблағлар жалб қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида янги ташкилотлар ташкил қилишга кўмаклашиш, тиббиёт муассасаларини замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш стандартларини ишлаб чиқишда, уларни татбиқ этишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш режалаштирилган.

**Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси келгусида жаҳон микёсида мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини инновацион ривожланиши ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишда, соғлом турмуш тарзини қарор топиши ва аҳолининг соғлом умр кўриш давомийлигининг узайишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиши билан аҳамиятлидир.**

Зулхумор МУТАЛОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раиси ўринбосари.

## Бефарқ бўлманг

## МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИГА ХАВФ СОЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида жорий йил 22 октябрь кuni қайд этилган гуруҳли овқатдан захарланиш ҳолати бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Вилоят юқумли касалликлар шифохонасига 22 октябрь соат 13:00 дан 23 октябрь соат 17:45 га қадар 17 нафар фуқаро кўнгли айнаши, бош оғриғи, қорин соҳасида оғриқ, 4-5 марта ич кетиши, тана ҳароратининг кўтарилганлиги, холсизлик каби касаллик белгилари билан мурожаат қилинган. Шифокорлар кўригидан сўнг уларга "Овқат токсикоинфекцияси, ўрта оғир даражада" билан таъминлаш

қўйилиб, шифохонага ётқизилган. Беморларнинг 11 нафари эркак, 3 нафари аёл, 3 нафари 14 ёшгача бўлган болалардир. Беморлардан 4 нафарининг аҳоли ўртача оғирликда, 13 нафари эса енгил. Шифохонада беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда, дори-дармон заҳиралари етарли. Беморлардан лаборатория таҳлили учун биологик намуналар олинган. Ўтказилган бирламчи эпидемиологик су-

руштирув натижасида аниқланишича, беморлар жорий йил 21-22 октябрь кунлари Самарқанд шаҳар Саттепо мавзесидаги "Табият саховати" деҳқон бозори ёнидаги кюска кўринишидаги будкада фуқаро Фулом Муродов томонидан сотилаётган хот-догдан истеъмол қилинган. Хот-дог таркибида нон, сабзи салат (марковча), бодиринг, помидор, сувда пиширилган тухум, пиширилган колбаса, сосиска, кетчуп ва уй шароитида тухум ва ўсимлик мойдан тайёрланган майонез бўлган.

Фуқаро Ф. Муродов ўз фао-

лиятини ўрнатилган тартибда расмийлаштирмасдан, тиббий қуриқдан ўтмасдан, ноқонунли равишда олиб борган. Хот-дог тайёрланган будка санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди, ичимлик суви билан таъминланмаган, махсудларни сақлаш ва сотиш учун талаб этиладиган санитария шароитлари йўқ. Худудий санитария-эпидемиология хизмати томонидан фуқаро Ф. Муродовга нисбатан маъмурий иш кўзгатилиб, жарима солинди ва унинг фаолияти тўхтатилди. Махсудлардан лаборатория таҳлили

учун намуналар олинди, қолган махсудлар эса савдодан олиниб, белгиланган тартибда йўқ қилинди.

Касаллик қайд этилган ҳудудда республика, вилоят ва Самарқанд шаҳар санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари томонидан профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказилмоқда.

Қайд этилган мазкур вазият Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назоратга олинган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот хизмати.

## Ибн Сино мероси

## ТИББИЁТНИНГ БУЮК АЛЛОМАСИ

**Тиб илмининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино бундан минг йил илгари табобатга асос солган бўлиб, унинг "Тиб қонунлари" асаридagi шахсий кузатиш ва тажрибалари ҳамда инновацион ғоялари катта аҳамиятга эгадир.**

2013 йилда ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда "Тиб қонунлари" асари ёзилганлигининг минг йиллиги кенг нишонланишида аллома меросига бўлган эътироф куйидагича ифода этилган. "Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асари жаҳонда инсон танасининг соғлом ва носоғлом ҳолатларига нисбатан илмий ёндашилган биринчи китобдир. Китобнинг индуктив ва илмий услуби фан ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Мазкур китобнинг минг йиллигини нишонлаш илмий методологиянинг турилишини нишонлаш рамазидир".

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Абу Али ибн Синонинг тиббий инновацион ғоялари дунё миқёсда тан олинган "Тиб қонунлари" китобида ўз ифодасини толган. Ибн Сино тиб илмига шундай таъриф берган: "Тиб шундай бир илмики, у билан одам гавдасининг ахволи соғлиқ ва касаллик жиҳатидан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиги сақланиши ва йўқотилгани қайта тикланади". Унинг бу таърифида жуда бир муҳим инновацион ғоя бўлиб, унда саломатлиқни сақлаш масаласи биринчи ўринга қўйилган. Ушбу ғоялар ҳозирги замон тиббиётининг асосий қоидаларига тўла месо келади. Таниқли ва етук олим олим М. Привсининг тан олишича, Ибн Синонинг "Одам анатомияси, физиологияси ва бошқа тиббиёт фанига оид инновацион ғоялари Европа университетларида олти аср давомида ўқитилиб келинган". Шунинг учун Ибн Синони одам анатомияси фанининг асосчиси, деб айтиш мумкин. Алломанинг анатомия фани яратилиши ва тараққий этиши борасидаги инновацион ғоялари таниқли фарб олимлари Леонардо да Винчи, Андрей Везалий, Жирриломо Фракасторо, Вильям Гарвей томонидан эътироф этилган. В. Терновскийнинг ёзишича, "тиббиётнинг асоси бўлган анатомия "Тиб қонунларида" асосий ўрин тутади". Ибн Сино ўз асарларида суякларнинг тузилиши тўғриси-

да берган тушунтиришлари Галендан мукамалроқ ва Везалийдан аниқроқ қилиб ёзилганлиги инновацион ғоя сифатида тан олинган. Бундан ташқари, Платон ва Аристотель мушаклар худди ёғ каби танани иссиқ ва совуқдан сақлайди деб ҳисоблаган. Ибн Сино эса мушакларнинг қисқариши асаб толлари билан боғлиқлигини исботлаб берган. Гален ва Гиппократ диафрагмада иккита тешик бор, деб ҳисоблаган. Ибн Сино бўлса унда учта тешик борлигини ва улардан ўтувчи қизилўнғач, қорин аортаси ва пастки ковак венани аниқлаган. Баъзи мушакларнинг тузилишини тушунтиришда Ибн Синонинг инновацион ғоялари нафақат Гален, балки Везалий ва Леонардо да Винчи қарашларидан ҳам кучлироқ бўлган.

Ибн Сино одам анатомиясининг неврология бўлими ҳақида ёзар экан "Тиб қонунлари" III китоб 1 жилд 12-16-бетлар) асаб тизимининг марказий ва периферик қисмлардан иборатлигини бундан минг йил олдин аниқлаган. Бош мия нервлари, бош ва орқа мия пардалари, бош мия қоринчалари ("Тиб қонунлари" III китоб 1 жилд 32-бет) мия томиларининг тузилишини кенг инновацион ғоя сифатида ёритган. 500 йилдан кейин А. Везалий хидлов трактлари ҳақида Ибн Синонинг инновацион ғояси тўғри эканлигини тасдиқлаган. Масалан, Бертен бойлами, яъни 1712-1781 йилларда яшаб ижод қилган француз анатоми Бертен Экзюпери номи билан аталган боғлам ёки ёнбош сон бойлами, лигаментум имсофеморале деб аталувчи бойлам бўлиб, бутун тиббиёт оламида фақат анатомик термин сифатида маълум. Ибн Сино томонидан бу бойлам ҳар томонлама ўрганилиб, аниқ қилиб ёзиб қолдирилган. Лекин бу бойлам нафақат Европа ва Америка Қўшма Штатларидаги, балки ўзимизнинг олимлар томонидан ҳам ҳалигача Бертен бойлами деб юритилади. Бошқа бир мисол, гаймор бўшлиғи, ўқори жағ бўшлиғи бўлиб, ўрта бурун йўлига очилади. Кизиги шундаки, бу бўшлиқ ҳам Ибн

Сино томонидан аниқланиб, "Тиб қонунлари" асарида ёзиб қолдирилган. Лекин бу бўшлиқ нафақат Европа, Осиё ва америкалик, ҳатто маҳаллий олимлар томонидан ҳалигача Гаймор бўшлиғи деб аталади.

Ибн Синонинг анатомия фанига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталганда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур. Табобатда эпонимлар тушунчаси бор. Унга асосан анатомик соҳалар ёки аъзонинг бир қисми шу соҳани биринчи бўлиб аниқлаган ёки чуқур ўрганган олим номи билан аталади. Масалан, "Оддо сфингтери", "Фатер сўргичи", "Евстахий найи" ва бошқалар. Бу борадаги энг сўнги китоб Москвадаги "Медицина" нашриётида чиққан "Эпоним и морфология" китобидир. Энг ажабланарлиси шундаки, бу ва бундан олдин чиқарилган китобларнинг бирортасида **Ибн Сино номи тилга олинмаган. Лекин бу борада биринчилардан бўлмаса ҳам эпонимик номи борлиги учунгина исм-шарифи тиббиёт тарихига кирган бир қанча олимлар мавжуд.**

Ибн Сино томонидан тасвир этилган инновацион технология, яъни доривор ўсимлик маҳсулотларини йиғиш муддати ва технологиялари ҳозирги кунда ҳам деярли ўзгармаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур ғояларнинг илмий текширишлар натижасида тасдиқланиши бу ғояларнинг қанчалик жиддий, аниқ ва тўғри эканлигини кўрсатади. Ибн Синонинг беморларни кузатиши ва тажрибалар асосида тасдиқланган инновацион ғоялари фармация, фармацевтика фанлари шунингдек, экспериментал фармакологиянинг шаклланишида ҳамда тараққий этишида гоёт катта аҳамиятга эга бўлди. Бунинг аққол исботи сифатида таниқли олим, профессор, Россия Фанлар академияси академиги Б. Петровнинг "Тиб қонунлари"нинг сўз бошида ёзган фикрини келтириш мумкин: "Ибн Сино фармацияси биринчи навбатда яхши ва пухта ўйланган фармакологик экспериментал усулларга таянгани учун Европа фармакологиясидан кўп асрлар олдинга ўтиб кетган. Унинг фармация ва фармакологияси XVI-XVIII асрлар Европа фармацияси ҳамда фармакологиясига қараганда ҳозирги замон



фармация ва фармакологиясига яқинроқ".

Ибн Синонинг ҳамма тажрибалари тўғри, инновацион ғоялари узоқни кўзлаган ва илмий асосланганки, улар ўтган минг йил давомида ўз қимматини йўқотмади, аксинча бу уни ҳозирги замон фармакология ва дори технологияси ҳамда экспериментал фармакологиянинг асосчилари деб ҳисоблашга асос бўлиб хизмат қилади.

Ибн Сино этикани маънавий-руҳий тиббиёт илми, деган инновацион ғояни биринчи бўлиб илгари сурган. Бу бўйича этика илмининг тиббиёт илмига ўқашлиги шундаки, тиббиёт инсон танасига соғлиқ бахш этади, унинг вазифаси танани ҳасталиқдан халос қилишдир, фалсафа илми эса, жумладан, ахлоқ – жамият ва инсон руҳини соғломлаштириш усуллари ҳақидаги илмдир. Бу мақсадга Ибн Сино инсон руҳини соғломлаштириш орқали унда гўзал хулқларни, яхши фазилатларни шакллантириш билан эришилади, дейди. Табобат ва фалсафа Ибн Сино фикрига кўра, бир-бирига боғлиқ фанлардир. Бинобарин, Ибн Сино асарлари боқийлигининг сирларидан бири

**Ибн Сино жуда катта илмий аҳамиятга эга бўлган мерос қолдирди. У илмга ташна ва амалиётчи сифатида халқига бе-назир хизмат қилган ҳамда Ватанини севган буюк инсондир.**

**Абдукарим УСМОНХУЖАЕВ,**

**Ибн Сино жамоат фонди маслаҳатчиси,**

**Турон фанлари академияси академиги.**

**Фахриддин ИБРАГИМОВ,**

**Ибн Сино жамоат фонди етакчи мутахассиси,**

**шарқшунос-эксперт.**

**Нозимхон МАХМУДОВ,**

**Ибн Сино жамоат фонди бошқарув раиси.**

## ИМКОНИАТ

## МУҲТАШАМ САЛОМАТЛИК ҚЎРҒОНИ

**"Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да Намангандаги даволаш-профилактика муассасалари имкониятлари ҳар қачонгидан ҳам такомиллаштирилмоқда.**

Бинобарин, айна пайтда йигирмадан ортиқ тиббиёт масканларида Инвестиция дастурига мувофиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бу саъй-ҳаракатлар учун салкам 50 миллиард сўмга яқин бюджет маблағи ажратилганлиги ҳам ишлар кўлами нақадар кенг эканлигини тасдиқлаб турибди.

Қуриб битказилган объектлар эса бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, кuni кеча Наманган туманидаги Шўрқўрғон қишлоғида 15-сонли оилавий поликлиникасининг очилиш маросими байрамона тарзда ўтказилди. Унга қишлоқ фаоллари, меҳнат фахрийлари ва соҳа вакиллари таклиф этилди.

Маросимни очган туман ҳоқими Шўрқўрғон Давронов мамлакатимиз тараққийнинг ҳозирги босқичида одамларни рози қилиш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратаётганлигини мануният билан қайд этди.

Нуронийлар номидан сўзга чиққан Марҳамат Алижонов ва Аббосали Бекмуродовлар Президентимиз раҳнамолигида халқ бахту саодати йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар баробарида қишлоқларда ҳам турмуш фаровонлиги юқалиб бораётганлигини эътироф этиб, тақдироти ўтказилган мазкур оилавий поликлиника-

нинг барпо этилиши ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар самараси эканлигини таъкидладилар.

Очилиш маросимидан сўнг тиббиёт масканида яратилган қулайликлар билан танишди. Икки қаватли кўркам оилавий поликлиникада аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш учун зарур имкониятлар муҳайё этилган. Шинам ва ёруғ хоналарда умумий амалиёт шифокорлари, тор соҳа мутахассислари беморларни қабул қилади.

Худудимиздаги олти та маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчилар, битта касб-ҳунар коллежи ва 4 та мактаб ўқувчилари соғлигини муҳофаза қилишга масъулмиз, — дейди **поликлиника мудири Хусанбой Тошанов**. — Реконструкциядан сўнг тиббиёт масканимизда кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати кескин кўтарилди.



Кунига 100 қатновга мўлжалланган 15-сонли оилавий поликлиника бинасини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларига 1 миллиард 361 миллион сўм маблағ сарфланди. Уни "Зафар" хусусий корхонаси қурувчилари амалга оширдилар.

**Санжарбек ХАМИДОВ.**

## Сфера здравоохранения

## ЗДОРОВЬЕ МАТЕРИ И РЕБЕНКА ПОД ЗАЩИТОЙ ГОСУДАРСТВА

Под руководством Президента страны осуществляются целенаправленные меры по укреплению репродуктивного здоровья населения, улучшению материально-технической базы и кадрового потенциала медицинских учреждений.

— Наша основная задача — охрана здоровья женщины, — рассказывает главный врач Родильного комплекса №7 Чиланзарского района столицы Зафаржон Илхамов. — Глубоко осознавая возложенную государством ответственность, наши специалисты создают благоприятные условия для рожениц и новорожденных, проявляют всестороннюю заботу и внимание.

Родильный комплекс №7 Чиланзарского района рассчитан на 136 коек. На его базе осуществляют деятельность родильное и послеродовое отделения. Работают отделения новорожденных, патологии беременности, реанимации и интенсивной терапии, гинекологии, а также консультативная поликлиника, диагностическая

лаборатория и аптека.

На сегодняшний день в медицинском учреждении трудятся 59 врачей и 170 медицинских работников среднего звена. Они осознают, что в их профессии важны такие качества, как ответственность, уверенность в собственных силах, коммуникабельность, доброжелательность, стрессоустойчивость, чувство сострадания и желание помочь пациенткам. Врачи на регулярной основе проводят консультации по поводу контрацепции, подготовки к беременности, лечения гинекологических заболеваний. Здесь стоит отметить заслуги акушера-гинеколога с полувековым стажем Магиры Абдусаметовой. За прошедшие годы ею обретен положительный опыт в деле профилактики и лечения бесплодия, диагностики и правильного

оформления документации. Уважаемый всеми наставник участвует во врачебных консилиумах, консультирует молодых коллег.

В родильном комплексе действует база кафедры акушерства и гинекологии Ташкентской медицинской академии, где совместно с учеными Ташкентского института усовершенствования врачей проводятся научно-практические конференции, семинары и тренинги для молодых специалистов и студентов. В конечном итоге это способствует росту профессионализма и уровню знаний медицинского персонала, повышению качества профилактических мер, своевременному выявлению и лечению заболеваний.

При поддержке Министерства здравоохранения в Родильном комплексе №7 последовательно укрепляется материально-техническая база. Так, в текущем году на основе гранта правительства Китайской Народной Респуб-



ки и Государственной программы гуманитарной помощи Турции сюда завезены десятки наименований современного медицинского оборудования, приборов и инструментов. Высокотехнологичные операционные сто-

лы, дыхательные аппараты, приборы для искусственной вентиляции легких помогут нам много улучшить качество оказываемых услуг.

**Х. УБАЙДУЛЛАЕВ.**  
Фото автора.

## Соғлом турмуш тарзи

## ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Маълумки, тиббий кўрик — инсон саломатлигини сақлаш, касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган тadbирлар ҳисобланади.

Бу жараёнда умумий қон, пешоб таҳлили, қон босими-ни ўлчаш, барча диагностик текширувлар ва тор соҳа мутахассислари, педиатр, терапевт, кардиолог, гинеколог, офтальмолог, дерматолог, невропатолог, логопед, стоматолог, ортопед психолог, эндокринолог кўригидан ўтиб, касалликка олиб келувчи хавфли омиллар аниқланади ва бартараф этилади. Зеро, ўз саломатлигини асраган ва мустақамлаган инсон соғлом турмуш тарзида ҳаёт кечиради ва узок умр кўради.

## Қайси шифокор

## кўригидан ўтиш керак?

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бола туғилиши учун соғлом ҳаёт яратиш, оналар ва болаларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш борасида тиббий чора-тадбирлар тизими яратилган. Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари томонидан турмуш тарзи ораллигини сақлаш, туғиш ёшидаги аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айтиш жоизки, туғиш ёшидаги аёлларнинг профилактик тиббий кўрикдан ўтиши катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг профилактика жиҳатдан шифокор-гинеколог, маммолог назоратида бўлишлари жуда муҳим.

Терапевт кўриги орқали — турли экстрагенитал касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш; гинеколог эса махсус таҳлилга кўра, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва аёллар жинсий аъзолари касалликларини ўз вақтида аниқлаб, даво муолажаларини буюради. Ультратовуш текшируви — бачадон ҳолати, тумдонлар ва аёллар жинсий аъзолардаги касалликлар, асосан бачадон ўсмаси, эро-

зия ёки полип каби ўсmalar пайдо бўлиши эҳтимолини эрта аниқлашни имконини беради. Аёлларда жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар, қандли диабет, ОИТС каби касалликларни аниқлашга доир ҳамда қоннинг умумий таҳлили лаборатор текширувлари усулида ўтказилади.

Ҳомиладорлик вақтида аёллар ўз саломатлиги ва ҳомилини соғлигини сақлаш мақсадида скрининг марказлари кўригидан ўтишлари мақсада мувофиқ. Ҳомиладорликни режалаштиришда аёлнинг ёши муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Хусусан, биринчи ҳомиладорлик учун 21 ёшдан кейинги давр мақбул саналади. Ҳомиладор аёллар белгиланган муддатдаги тиббий кўрик вақтида шифокорлар томонидан зарур бўлган маълумотлар ҳамда уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб олиши мумкин.

Болалар йилида бир мартаба профилактик тиббий кўрикдан ўтиб туриши лозим. Бунда болаликда учрайдиган касалликларнинг барвақт олди олинди. Айниқса, рахит касаллиги аниқланиб, келгусида ривожланиши мумкин бўлган ясси оёқликнинг олдини олиш имконини беради. Ўсмирларнинг ҳам тиббий кўрикдан ўтиши соғлом оилани шакллантиришда, соғлом авлодни яратишда муҳим аҳамиятга эга. Ўсмирлик даври 15-17 ёшга ўз ичига олиб, бу даврда ёш организмда ўзгаришлар тез ривожланади. Шунинг учун улар шифокор назоратида бўлиш, мунтазам тиббий кўрикдан ўтиш фойдадан холи эмас. Ўсмир қизлар асаб, кўз, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари шифокори, ортопед, стоматолог, ички секретция безлари касалликлари шифокори, ўсмир қизлар гинеколог



текширувидан ўтиши лозим. Бунинг баробарида, умумий лаборатор ҳамда йилда 1 мартаба флюорографик текширувдан ўтиши керак.

## Қизлар 20-22 ёшда, йигитлар 23-25 ёшда

Никоҳ қуриш, аввало, фарзанд кўришдек мураккаб физиологик жараёнлар билан алоқадор бўлганлиги сабабли, жуда эрта турмуш қуриш кўпинча бепушликка, боланинг ой-қуни етмай туғилишига ва ҳомиланинг нотўғри ривожланишига сабаб бўлади. Қизлар ва йигитлар деярли 20 ёшдан кейингина бутунлай камолатга етиши сабабли қизлар 20-22 ёшда, йигитлар 23-25 ёшда турмуш қургани маълум. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомни тас-

диқланган. Унга асосан, никоҳланувчи шахслар ФХДЭ идоралари томонидан тиббий кўрикдан ўтиш учун яшаш жойидаги тиббий муассасаларга юборилади. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги ФХДЭ идоралари томонидан берилган йўлланма бўйича бепул ўтказилади. Улар бешта йўналиш: руҳий, наркологик, захм, сил ва ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича текширишдан ўтади. Профилактик тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида мутахассислар томонидан керакли тавсиялар бериб борилади. Турмуш қураётган ёшларни тиббий нуқтаи назардан организмнинг етилиш даври, аввало, улар соғлом бўлиши, никоҳ гигиенаси, жинсий ҳаёт ва келажакда соғлом фарзанд ҳақидаги билимлардан хабардор бўлиши, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиши лозим.

Ҳар бир фуқаро ўзининг яшаш жойидаги оилавий поликлиникасида йилда бир мартаба тиббий кўрикдан ўтишлари тавсия этилади. Бу эса саломатлик билан боғлиқ бўлган жиддий муаммоларнинг олдини олишга имкон беради. Замонавий тиббиёт кўпгина касалликларни даволаш имкониятига эга, лекин касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олиш осон ва арзон кечади.

**Гулбахор АБДУЛЛАЕВА,**

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси етакчи мутахассиси.

## Ижтимоий ҳимоя

ИЖОБИЙ  
ЎЗГАРИШЛАРГА  
ЭРИШИЛМОҚДА

Ноғиронлиги бўлган шахслар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоларидир. Юртимизда уларнинг яшashi, меҳнат қилиши учун етарли ҳуқуқий база яратилган, улар доимо давлат эътиборида. Бу борада Хива туманлараро тиббий меҳнат экспертиза комиссиясида ҳам бир қанча ибратли ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Меҳнат фаолияти билан боғлиқ тушунтиришлар туфайли жорий йилда ҳудудимизда истиқомат қилиб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимидан пенсия ва нафақа олиб келаётган ноғиронлиги бўлган инсонларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида саломатлиги яхшиланган меҳнат фаолияти тикланган фуқароларнинг ноғиронлик гуруҳлари бекор қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирилари тасаруфидидаги тиббиёт муассасалари, пенсия жамғармалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан олиб борилган ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда. Ноғиронлик қўрсаткичларида ижобий ўзгаришларга эришилди. Тиббий муассасаларда ноғиронларни яққа тартибда реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши ТМЭК шифокорлари томонидан назоратга олиниб, аниқланган ҳато ва камчиликлар поликлиника шифокорлари билан муҳокама қилинмоқда.

**Озод ҚУРБОНОВ,**  
Хива туманлараро  
98-сонли ТМЭК раиси.

**Эълон**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги куйидаги тиббиёт коллежларининг директор ўринбосарлари бўш (вакант) лавозимларига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

№	Коллеж номи	Лавозими
1	1-Нукус тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
2	Балиқчи тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
3	Кўргонтепа тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
4	Зомин тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
5	1-Наманган тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
6	Косонсой тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
7	Чуст тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
8	Самарқанд таянч тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
9	Каттақўрғон тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
10	Каттақўрғон тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
11	Гулистон тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
12	Сирдарё тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
13	Сирдарё тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
14	1-Фаргона тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
15	Қува тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
16	Қува тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
17	Зангиота тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
18	Пахтачи тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
19	Пахтачи тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
20	Пайарик тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
21	Хатирчи тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
22	Марғилон тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
23	Сариосиё тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
24	Муборак тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
25	Чилонзор тиббиёт коллежи	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
26	2-Республика тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

1. Ариза;
2. Сўрловнома ва таржимаи хол;
3. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
4. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
5. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
6. 4 x 6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
7. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

Ҳужжатлар газета орқали эълон қилинган кундан бошлаб, 1 (бир) ой давомида вазирликнинг Фан ва тиббий таълим бош бошқармасида қабул қилинади.  
Мурожаат учун телефон: (0371) 239-48-36.

**ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ**

Ҳукумат қарори билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг «Хуқуқий ахборот» канали маълум қилади.

Низомга кўра, Ўзбекистондан ташқарида рўйхатдан ўтказилган дори моддаларининг тан олиниши ва бу ҳақида Давлат реестрига ёзув киритилиши учун Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат марказига ариза билан мурожаат этилади. Аризага куйидагилар илова қилинади:

тегишли ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) сертификатининг нусхаси;


дори моддаси (субстанция) норматив ҳужжатининг лойиҳаси; маркировкалашнинг рангли макети; дори моддалари, ёт моддаларнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган референс стандартлари;

ишлаб чиқарувчи фирманинг норматив ҳужжати талабларига мувофиқ уч марта синон ўтказиш учун етарли бўлган миқдордаги дори воситасининг таҳлил қилинган ҳақидаги сертификат илова қилинган намунаси.

Мазкур ҳужжат билан тан олиш натижалари Давлат реестрига ёзув шаклида беш йил муддатга киритилади.

Тан олиш тўғрисидаги ёзув дори воситасининг давлат рўйхатидан ўтказилгани ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан уни тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат берилганини тасдиқлайди.

Ўзбекистондан ташқарида амалга оширилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш куйидаги босқичлардан иборат.



**Актуальная тема**

**КУРЕНИЕ ЯВЛЯЕТСЯ ОСНОВНОЙ ПРИЧИНОЙ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ И ИНСУЛЬТА**

Курильщики в 2 – 4 раза чаще, чем некурящие страдают ишемической болезнью сердца и мозгового инсульта и даже взрослые подвержены воздействию чужого табачного дыма, у 25 – 30 % повышенный риск развития этих заболеваний. По случаю Всемирного дня без табака, ВОЗ неоднократно подчеркивает, что можно сделать, чтобы снизить риск для здоровья сердца связанный с табаком и к каким результатам приходит человек, который решил бросить курить.

**Последствия отказа от курения видны практически сразу:**

- в течение 20 минут уменьшается частота сердечных сокращений и происходит падение кровяного давления;
  - в течение 12 часов уровень угарного газа в крови снижается до предела нормы.
  - в течение 2 – 12 недель улучшается кровообращение и функции легких увеличиваются.
  - через год после отказа от курения риск ишемической болезни сердца снижается примерно вполонину.
  - между 5 и 15 годами после отказа от курения, риск инсульта снижается до уровня некурящего.
  - пятнадцать лет после отказа от курения, риск развития ишемической болезни сердца приравнивается к человеку, который никогда не курил.
- Сердечно-сосудистые заболевания (ССЗ) являются заболеваниями сердца и кровеносных сосудов, к ним относятся

ишемическая болезнь сердца, цереброваскулярные заболевания и ревмокардит. Они убивают 17,7 млн. человек в мире ежегодно, что составляет треть от всех смертей. В Европейском регионе ВОЗ, где 28 % взрослых курят, 46 % из 4,2 миллионов курильщиков, которые умерли в 2015 году скончались от сердечно-сосудистых заболеваний. Смертность от сердечно-сосудистых заболеваний обоих полов и всех возрастов почти в два раза выше в Центральной и Восточной Европе, Центральной Азии.

Меры принимаемые странами Европейского региона в соответствии с Рамочной Конвенцией ВОЗ по борьбе против табака доказали свою способность внести значительный вклад в предотвращение развития ССЗ. Эти меры включают в себя повышение акцизов и цен на табачные изделия, введение обычной или стандартной упаковки, крупные графические предупреждения о вреде для здоровья на всех табачных упаковках, обеспечение

выполнения всеобъемляющих запретов на рекламу табачных изделий, стимулирование продажи и спонсорство, исключение воздействия вторичного табачного дыма на всех закрытых рабочих местах и общественном транспорте и запуск эффективных кампаний в средствах массовой информации, которые информируют общественность о вреде курения и употреблении табака и вторичного табачного дыма.

**Цитаты д-ра Жужанны Якаб, являющейся Региональным директором ВОЗ Европы:**



«Мы обнаружили, что хотя общественность в целом понимает, что курение вредно, она часто не осознает своего ключевого звена с болезнью сердца и инсульта. Табак способствует увеличению числа хронических заболеваний и смертей и оказывает разрушительное воздействие на пациентов и их семьи».



«Отказ от курения снижает риск развития этих заболеваний, независимо от того, как долго вы курили и, например, после 10-ти лет отказа от курения, риск возникновения рака легких снижается в два раза».

В последние годы тенденция отказа от курения была весьма обнадеживающей. Все большее число людей отказываются от курения и более осведомлены о рисках развития заболеваний связанных с ним. Также правительство осознало, что сокращение употребления табака оказывает положительное влияние не только на здоровье населения, но и на область экономики и здравоохранения страны, ведь всем известно, что здоровая страна всегда является процветающей.

**Материал подготовлен по данным ВОЗ.**

## Спорт – бу саломатлик

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
АҲОЛИНИ ОММАВИЙ СПОРТГА ЖАЛБ  
ЭТИШГА ЧАҚИРМОҚДА

Соғлиқни сақлаш вазири раҳбарияти оммавий спорт билан фаол шугулланиб, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда ташаббус кўрсатишмоқда. Машгулотларда вазирилик марказий аппарати ходимлари, тиббиёт олий ўқув юртлири ректор ва проректорлари ҳамда республика даволаш муассасалари бош шифокорлари қатнашди.



Дарҳақиқат, соғлом турмуш тарзига мунтазам равишда амал қилиш турли хасталиклардан ҳоли, чиройли ва бахтли яшаш омилidir. Энг муҳими миллат генафондига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис ҳам муҳтарам Президентимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт, шахсий гигиенага амал қилиш, чинқилиш ҳамда турли зарарли одатлардан воз кечиш ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу жиҳатларга риоя қилмас, кўплаб хавfli хасталиклар, жумладан, миокард инфаркти, инсульт, қандли диабет, онкологик касалликларнинг олдини олган бўламан. Жисмоний фаол инсоннинг дунёқараши ва фикрлаши ҳам соғлом, меҳнатда эса унум



бўлади, – дейди Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов. – Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, жумладан, оммавий спортни кенг тарғиб қилиш соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг ҳам устувор вазифасидир.

торни ривожлантириш ва бошқа кўплаб долзарб масалаларга эътибор қаратилиб, тегишли идора ва мутасаддилар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Соғлиқни сақлаш вазирилик Ахборот хизмати.

## Обуна – 2019

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2019 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгилıklarидан хабардор бўлишни истасангиз, севишли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирилик

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

Адади 2318 нусха.  
Буюртма Г-1037.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОКОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.



## Книжная полка

Новая  
медицинская литература

Новые поступления в Государственную научную медицинскую библиотеку МЗ Руз по травматологии и ортопедии

Черкашина, З. А. Травматология и ортопедия. Т. I. Общие вопросы, Т. II. Частная травматология, Т. III. Частная ортопедия / З. А. Черкашина. – Москва: ООО «Издательство «Медицинское информационное агентство», 2017. – Т. I – 544 с.; ил.; т. II – 904 с.; ил.; т. III – 600 с.; ил.



Предлагаемое издание представляет собой трехтомное руководство, в котором изложены общие и частные вопросы травматологии и ортопедии. Ввиду постоянного развития травматологической помощи в России и значительного роста численности специалистов-травматологов возникла необходимость в издании руководства по лечению поврежденных опорно-двигательного аппарата, облегчающего ориентировку во всех разделах данной специальности.


В руководстве систематизированы все основные виды повреждений и заболеваний опорно-двигательного аппарата, обобщен клинический опыт ведущих травматологов и ортопедов, освещены общие и частные вопросы современного консервативного и оперативного лечения повреждений и заболеваний опорно-двигательного аппарата.

В первом томе руководства рассмотрены как традиционные, так и новые методы обследования пациентов, изложены общие принципы оперативного лечения опорно-двигательного аппарата. Рассмотрены вопросы общей хирургии (десмургия, хирургические инфекции, ожоги, раны и т.д.). Описаны принципы ампутаций и экзартикуляций конечностей, вопросы обезболевания.

Во втором томе представлена классификация механических травм в соответствии с МКБ – 10, универсальная классификация переломов по АО/ASIF. Рассмотрены как традиционные, так и современные методы лечения и медицинской реабилитации пострадавших с повреждениями органов опоры и движения.

В третьем томе приводятся сведения об этиологии, клинике, диагностике, лечении и профилактике врожденных и приобретенных заболеваний опорно-двигательного аппарата.

Предлагаемое руководство имеет практическую направленность и рассчитано на травматологов, ортопедов, хирургов, врачей смежных специальностей, интернов, студентов медицинских вузов.



Клинические рекомендации. Травматология и ортопедия детского и подросткового возраста / под ред. С.П. Миронова. – М.: ГЭОТАР – Медиа, 2017. – 416 с.; ил.

Сборник клинических рекомендаций (протоколов лечения) по травматологии и ортопедии детского возраста является коллективным трудом ведущих специалистов России в данной области. В издании обобщены результаты фундаментальных исследований и богатый клинический опыт российских и зарубежных специалистов, накопленный за последние десятилетия. Учтены международные рекомендации и стандарты ВОЗ.

Практическому здравоохранению предложены обновленные протоколы лечения ортопедических заболеваний детского возраста, имеющих важное социальное значение. Особое внимание уделено врожденным заболеваниям, правильное и своевременное лечение которых позволит снизить инвалидизацию населения.

В книге изложены протоколы лечения врожденного вывиха бедра, врожденных деформаций позвоночного столба, мышечной криивошеи, деформации Шпренгеля, множественного артрогрипоза, косоплоскости, несовершенного остеогенеза, ортопедических осложнений детского церебрального паралича, полидактилии и синдактилии. Представлены также протоколы лечения тяжелых осложнений, в частности посттравматических ложных суставов и дефектов длинных костей у детей и подростков.

Разработанные алгоритмы, соответствующие мировым стандартам, позволят практикующему врачу быстро и обоснованно принимать правильное решение в клинической практике.

Клинические рекомендации предназначены для практикующих врачей: травматологов и ортопедов, педиатров, терапевтов, хирургов, онкологов, а также врачей общей практики и смежных специальностей.

Приглашаем Вас посетить Государственную научную медицинскую библиотеку Минздрава Республики Узбекистан по адресу: г. Ташкент, ул. Истикбол, 30 или ознакомиться со списком новых поступлений на сайте: <http://www.medlib.ru/>

(Продолжение следует).